

ёки Сирдарё вилоятида бахтсиз ҳодисалар нега кўпайиб борапти?

Бир кун эрталаб радионинг қулоғини бурасам... Дунёнинг турли жойларидан олди-қочди хабарлар берилаётган экан: — Айтишларича, асримиз бошларида антиқа бир хасталик жуда тез тарқалиб, аҳолини жиддий ташвишга солади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу касаллик қоғоз пулдан пайдо бўлади!

Гарчи, ютқазган бўлсак-да, асосийси, жаҳон чемпионатига чиқиш вазифасини шараф билан уддаладиқ. Футболимиз тарихида илк мартаба ОФК миқёсидаги мусобақаларнинг финалига қадар етиб бордиқ.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий гуруҳимизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воқитасидир. Ислоҳ КАРИМОВ

2008-йил 18-ноябр, сешанба №140 (2553)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

Мағрур жиппирайвер байроғим!

Ифтихор

Халқимизнинг севимли адаби ўткир Хошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобида шундай сатрлар бор: «БМТ бош ассамблеяси қаршида турар эканман, дунёдаги барча мустақил давлатлар байроқлари қаторида ўзимизнинг — озода Ўзбекистоннинг ҳам байроғи мағрур жиппирайвер турарди. Ҳа, лекин қалбимда кечган фахр туйғусини ифода қилиш берилиши мушкул. Қўларимдан тиркираб ёш чиқиб кетди...»

Балки ёзувчининг гапларига ишонмагандирсиз. Кап-катта одам кўчада йиғлаб ўтирмайди-ку дейишингиз ҳам мумкин. Лекин қалбимда ватан меҳри бўлган инсон бундай демайди, бундай ўйламайди ҳам. 1991 йил. Ёзининг сўнгги кун. Биз мустақил бўлдиқ. Дунё харитасига Ўзбекистон аталмиш давлат номи ёзиб қўйилди.

Табиийки, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари бўлади. Герби, мадҳияси, байроғи... Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган VIII сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Байроғимиздаги белгилар мамлакатимиз ҳудудида қадимда мавжуд бўлган йирик салтанатларнинг аъёнларининг давом эттириб, халқнинг миллий ва маънавий ўзига хос жиҳатларини, юртимиз табиий шарафини ақс эттирган, шундай экан, уни доимо юксаларга кўтариш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, ЎЗМУ талабаси



Ўзбекистон байроғи... Ҳар гал унинг жиппирайиб турганини кўрганимизда қалбимиз чексиз ифтихорга тўлади. Айниқса, нуфузли анжуманлар, спорт мусобақаларида байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграган да руҳимиз кўтарилиб, гуруҳимиз кўямиз. Байроқ — давлатимиз рамзи бўлиш билан бирга, бизни юксак манзилларга чорлаб турадиган маёқдир.

Ўзбекистон-Малайзия: Ҳамкорликнинг янги саҳифаси

Аввал хабар қилинганидек, Малайзия Бош вазири Абдулла Бин Ҳожи Аҳмад Бадавий 16 ноябр кун расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ишончли шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Аввало, Малайзия халқининг ўзбеклар каби меҳмондўстлиги, табиатда алоҳида меҳри ва меҳнатқашлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлиги савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланади. Айни пайтда ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантириш нафақати икки томонлама, балки кўп томонлама алоқалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Малайзия — Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасининг (АСЕАН) етакчи аъзоларидан. Бу Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё минтақаси билан муносабатларини ривожлантиришда муҳим омилдир. Айни пайтда Малайзия Ислоҳ конференцияси ташкилотининг (ИКТ) энг фаол ва нуфузли аъзоларидан. Мамлакатларимиз ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик орқали иқтисод дунёси давлатлари билан алоқалар кўламини кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб бериши мумкин.

ИЭСКО томонидан Тошкентнинг 2007 йилда иқтисод маданияти пойтахти деб эълон қилингани Малайзияда катта маъмурий билан қабул қилинади, шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро анжуманларда Малайзиядан нуфузли делегациялар қатнашганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ташаббусларини ёқлаб келади. Ўзбекистон БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп мартаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган. Малайзия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил қилиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, 2006 йили мамлакатимизнинг Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқотга аъзоллигини ёқлади.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида олий даражадаги таш-

рифлар мунтазамлик касб этгани икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолатдир. Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга, икки томонлама манфаатдорликка асосланган яна шу муносабатларнинг янада ривожлантириш, янги мазмун билан бойитиш йўлидаги яна бир қадамдир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 ноябр кун бўлиб ўтди. Дўрмон қароғожида олий мартабадаги меҳмонни кутиб олиш маъносини бўлди. Малайзия Бош вазири шарафига фахрий қорув саф тортиди. Ислоҳ Каримов ва Абдулла Бадавий шохуфтага кўтарилиб, Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат мадҳиялари янгради. Ислоҳ Каримов ва Абдулла Бадавий фахрий қорув сафидан олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президентини ва Малайзия Бош вазирининг ўзаро алоқаси суҳбатга бошланди. Унда икки томонлама сўб-сўб муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлигини кенгайтириш, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлигини кенгайтириш қилишнинг янги имкониятларини очиб бериши мумкин.

ИЭСКО томонидан Тошкентнинг 2007 йилда иқтисод маданияти пойтахти деб эълон қилингани Малайзияда катта маъмурий билан қабул қилинади, шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро анжуманларда Малайзиядан нуфузли делегациялар қатнашганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ташаббусларини ёқлаб келади. Ўзбекистон БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп мартаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган. Малайзия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил қилиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, 2006 йили мамлакатимизнинг Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқотга аъзоллигини ёқлади.

ёндашуви ўхшаш. Икки мамлакат ҳам Африқистонда тинчлик ўрнатилиш учун кенг қўламли иқтисодий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодий ва оёққа тургазиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларида ўзаро аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди.

Ислоҳ Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Сармовий соҳада Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли ҳудудида, Устурт платоси ва Сурхондарёдаги сармовий блокларда геологик тадқиқотлар олиб боришмоқда, янги қонлар оқимлоқда, тозаланган метандан синтетик суяк ёқилги ишлаб чиқариладиган завод қурилиши бўйича лойиҳа-техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, «Petronas»нинг Ўзбекистонга қилинган таълим ва технология хизмати қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Ислоҳ Каримов Малайзия томонига транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида Навоий аэропорти негизига барпо этилган халқаро логистика марказидан фойдаланишни таъкид этди. Бу Малайзия учун Марказий Осиё давлатлари бозорларига йўл очган бўлур эди. Абдулла Бадавий бу таъкид қилиб қўллаб-қувватлаб, ўз наватиди Малайзия Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё бозорларига кўриб вазифасини ўтатишга таяёр эканини таъкидлади.

Музокарада қилиш қўлғилиги соҳасида Малайзиянинг илғор биотехнологиялардан фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда Малайзиянинг электроника жиҳозлари ва ахборот-коммуникация техникаси ишлаб чиқариладиган йирик компанияларини филиалларини очиб имкониятлари кўриб чиқилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорликка ҳам эътибор қаратдилар. Айни

пайтда кадрлар талабсини ошириш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозиргача Ўзбекистонлик уч юздан зиёд мутахассис Малайзиянинг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида турли курслар ва семинарларда иштирок этди.

Маданий-маънавий яқинлик ва ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Ўзбекистондан Малайзияга, Малайзиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кўпайтиришда муҳим омил бўлади.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида Кўшма баёнот қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик ҳамда илмий ва технология ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжатларга алоқаси мемуорандуми, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Petronas Carigali» компанияси ўртасида нефт-газ соҳаси учун қадрлар тайёрлаш ҳамкорлиги тўғрисидаги меморандуми, «Ўзбекнефтегаз» ва «Petronas Carigali Overseas» компаниялари ўртасида тузилган Сурхон сармовий блоқида геология-разведка ишларини амалга ошириш бўйича битимнинг кучга кириши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислоҳ Каримов ва Абдулла Бадавий музокаралар ўзаро ҳамкорлигининг янги саҳифаларини очилишини, яшилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

— Малайзия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилиши ва ҳамкорликка янги суръат бахш этиши шубҳасиздир. — деди Ислоҳ Каримов. — Мамлакатларимиз халқларини муштарак ани-ана ва қадриятлар бирлаштириш таради. Музокарада икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан апрофилка фикр алмашилди.

— Ўзбекистонга ташрифимиздан қўзланган мақсад ўзаро муносабатларини ривожлантириш, бизнес вакилларининг тўғридан-тўғри алоқаларини рағбатлантиришдан иборат, — деди Абдулла Бадавий. — Ўзаро товар айирбошлаш ҳўжжи муттасил ошиб бормоқ-

Янгиликлар панорамаси

Ўзбекистон Адлия вазирлиги қошидаги юристлар талақсини ошириш маркази 1997 йилда ташкил этилган. Бу ерда адлия, суд, адвокатур ва ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхона, муассаса ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига эҳтироға олинган ҳодимлар, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари талақ сини оширадидлар.

Ҳамкорлик

Марказда ҳар йили бир ярим мингга яқин ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқшунос ходимлари қайта тайёрлаш ва талақ сини ошириш курсларида ўқитилаяпти. Талақ сини ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этди. Ҳафтада Германиянинг Бранденбург ери депутаты Барбара Рихтайн хонимнинг «Германиянинг жиноят ҳуқуқи» мавзусидаги маърузаси тингланди.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати

«Ўзэкспомарказ» биносида Давлат солиқ қўмитаси «Янги Солиқ кодекси — иқтисодий ислохотлар меваси» деб номланган кўргазмали семинар ва матбуот анжумани ўтказди.

Ислохотлар меваси

Дастлаб марказий тузилманинг масъул мутахассислари тadbир қатнашчиларини кўргазмали павильон билан таништирди. Сўнг бўлиб ўтган йилгилишда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевнинг «Ўтган давр мобайнида янги Солиқ кодексининг амал қилиш хусусиятлари ва унда тadbиркорлик субъектлари учун яратилган қулайлик ҳамда имтиёзлар» мавзусидаги маърузаси тингланди. Солиқ кодекси ижросига оид масалалар кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, журналистларнинг саволларига имкон қадар жавоб берилди. Анжуманда Тошкент шаҳри ва вилоятдан мингдан зиёд тadbиркор, республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқалар иштирок этди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Чимбой туманида ўтган йили «LANEXTRACT» лақрица (боян ўсимлиги) томирини қайта ишлаб, глицирризин маҳсулотини олувчи Ўзбекистон — Хитой қўшма қорхонаси феолият бошлаган эди.

Муваффақият

Бултур қорхона 347,4 минг АҚШ доллари миқдориди маҳсулот экспорт қилган. Жорий йилининг дастлабки олти ойида 177,5 миллион сўмлик тайёр маҳсулот олишга эришилди. Айни пайтда лақрица қондиқларидан ДСР, МДФ қурилиш материалларини ишлаб чиқариш устида иш олиб боришмоқда. Қўшма қорхона бу мақсад учун 500 минг АҚШ доллари сарфлаган. Ушбу маблағга энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар харид қилинди. Ушбу режанинг амалга оширилиши қўллаб янги иш уринларининг очилишига, аҳолининг эса ушбу маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Муҳаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» муҳбири

Тошлоқ пахта тозалаш қорхонаси очик турдаги хиссавдорлик жамиятида меҳнат қилишни иқтисодий муҳофаза муҳим аҳамиятга эришди.

Саховат

Жумладан, Йид Рамазон ҳайити арафасида 87 та ночор оилага завод хисобидан 50 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Азизбек Усмонов, Абдулла Эргашева ногиронлар аравачаси ҳада этилди. Бу йил 23 нафар ишчи ва хизматчи, жумладан, Авазбек Ҳожиалиев, Иброҳим Ҳайдаров, Инobat Аҳмедова, Акбарали Абдуқодиров «Раққон», «Чимён», «Риштон», Тошкентдаги «Чинобод» сийатгоҳларида дам олиб келдилар. 57 нафар ходима даволаниш учун суғурта полиси берилди. 9 ой давомида қорхона маъмурияти ва қасаба уюшмаси ҳамкорликда фахрийларга ва ишчиларга 36 миллион сўмлик моддий ёрдам берди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ, Марғилон, шаҳри

Касаба уюшмалари ҳаётидан

Меҳнат муҳофазаси

ижтимоий ҳимоянинг ажралмас қисмидир

Меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлигига риоя этилиши иш жараёнидаги жароҳатланишларни камайтиради. Касб касаллигига чалинишлар деярли қузатилмайди. Айна шу ҳолат ҳисобга олиниб, ушбу муҳим ишга эътибор кучайтирилмоқда. Жойларда ўтказиладиган кўрик-танловлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини берапти.



Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда «Узавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан республикамиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Хавфсиз меҳнат шариоити, ишлаб чиқариш эстетикаси ва маданиятини яхшилашни таъминлаганлиги учун» кўрик-танловнинг якунловчи босқичи айнан шу мақсадга хизмат қилди.

Ғолибларни аниқлаш қийин кечди, — дейди Марказий кенгашнинг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Мирхамол Саъдуллаева. — Чунки иштирокчиларнинг барчаси ушбу кўрик-танловга жиддий тайёргарлик кўришганди. Ва бунда, албатта, меҳнат муҳофазаси бўйича журналларнинг юритилиши, маиший ҳаётда ечининг хоналарининг ҳолати, гигиена ҳамда санитария ҳолатларининг қай даражада талабга жавоб бериши, ишчи-хизматчиларнинг махсус кийим-беш, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, машина ва механизмларнинг хавфсизлик техникаси қоида, меъёрлари талабларига жавоб бериши каби бошқа кўпball йўналишлар ҳисобга олинди.

Биз бундан кейин ҳам бу борадаги изланишларни давом эттиравемиз. Чунки меҳнат-кашларга кўнгилдагидек иш шариоитини яратиш ҳам ижтимоий ҳимоянинг ажралмас қисмидир.

Иштирокчилар ҳар доимгидек «Энг яхши корхона», «Энг яхши цех», «Энг яхши бригада» номинациялари бўйича беллашдилар.

Ишчи-ҳодимларга хавфсиз меҳнат шариоити, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилашни таъминлаганлиги учун «Энг яхши корхона» номинациясида 1-ўрин «Ўз Тонг Хонг» қўшма корхонасига насиб этди. 2-ўринга «Ўз Коран», 3-ўринга «Бухоро автотехизмат» акциядорлик жамияти ҳамда «Уз Донг Янг» қўшма корхонасининг тиквус цехи бригадаси эгаллади.

Ғолибларга «Узавтосаноат» компанияси ҳамда «Ўзмет-касаноат» касаба уюшмаси Марказий кенгашининг диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Н.РАФИКОВ, «Ishonch» мухбири

Касабақўмга мукофот

Жондор туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси Изаат Боймуродовнинг шу кунлардаги саяёҳаракатлари беҳуда кетмади. Ташаббускорлиги тўғрисида вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгашининг 50 минг сўмлик мукофотига сазовор бўлди.

Гап шундаки, тармоқ вилоят кенгаши 2009 йил нашрлари учун обуна мавсуми бошланиши билан «Ishonch» ва «Ishonch—Доверие» газеталарига янги йил учун обунани намунали ташкил этиш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилган эди. Шу аснода И.Боймуродов ўз ҳудудидаги тиббиёт муассасаларида обунани уюшқоқлик билан давом эттирди ва биринчи бўлиб белгиланган йиллик обунани таъминлади.

Кейинги лойиҳаларда газеталар мундарижасининг кенгаётганлиги, муштарийларга манзур мақолаларнинг кўпаяётганлиги, муҳими, яқин маспахатчимиз бўлаётгани бизни мамнун этмоқда. Шу боис ходимларимизнинг мазкур нашрларга қизиқиши ортмоқда. Демак, обунамиз биз кутгандан зиёд бўлишига шубҳа йўқ. — дейди вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Шавкат Султонов.

Изаатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон, сени куйлайман

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан ташкиллаштирилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалнинг туман босқичларида ғолиб бўлган 70 нафар истеъдод эгалари вилоят босқичига жиддий тайёргарлик кўришган экан. Улар асосан, ўзбек муомтоз санъатининг мақом ва яққа созандачилик йўналиши бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Ушбу фестивални ўтказишимиздан мақсад ишчи-ҳодимлар ҳамда талаба ҳавасларининг санъатга бўлган қизиқишларини ўстириш, баъдий ҳаваскорликка кенг жалб қилиш орқали бундай вақтларини сермазмун ва қизиқарли ташкил этишдан иборат, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Х.Досов.

Фестивал ғолиблари — Турсуной Абдуллаева, Умид Туропов, Салим Мамаражабов, яққа созандачилик бўйича Дилобар Авлиёқуллова, Ҳабиб Умаровларга вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Нафақат миқдор, сифат ҳам эътиборда

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган «Ўз-Коджи» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси Асқада ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун махсус сим ўрловлари тайёрламоқда. Корхонада бугунги кунда 805 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилапти. Жамоа бу йил автомобилсозларга режалаштирган 194 минг дон бутланган махсулотни шу кунгача қарийб тўла ўтказиб беришнинг улдасидан чиқди.

— Мақсадимиз, — дейди қўшма корхона итҳисиси Наргиза Тешабоева, — бюртмачиларимизга нафақат режадаги махсулотни миқдорий жиҳатдан, балки аъло сифатли даражада етказиб беришидир. Хозиргача ишлаб чиқарилган сим ўрловларимизга бирорта ҳам эътироз олганимиз йўқ.

Суратда: корхонанинг илгор ишчиларидан бири Лола Алиева. Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат

Истиклол берган имкон

Ўзимизнинг кишлок

Касби туманидаги Камаш кишлоғи азиздан хунарманлари билан машҳур. Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романида шу кишлокнинг сардобаси тасвирланган. Сардоба ёнида қатта бозор бўлиб, «Арабий», «Эроний», «Бағдоди» гиламлари ва «Амиркон» қовушлари савдоси авж олган. Турли нақшли гулкор пишик матолари ҳам тилга тушган. Дарбоза ва эшик ясайдиган уста, қандолатпаз каби хунар эгалари ҳам айнан шу кишлокда яшаган.

Афсуски, шўро тўзуми даврида минг йиллик халқ хунармандчилиги илдизига болта урилди. Кўпгина хунар эгаларига «бой» деган тамга босилди. Пахта, жун, ипак толаси махсулотларини қайта ишлашчи алача тўқуш дастгоҳи, дуч, чарх, ҳалложи төри ошлайдиган ва унга қайта ишлов берадиган кўл хунарлари, кашкаш тегирилони, ёрғучоқ, гуппи, жувозларга «қолоқлик» рамзи сифатида қаралди.

Лекин «Кетмон полвон» яшаб қолди. Кишлоқнинг чорраҳасида кетмон кўтарган дехқон ҳайкали бўлиб, «Кетмонга борамиз» деган гап ўша пайтда қолган.

Мустақиллик тўғрисида аждодлар касб-корига қайта жон бахш этилди. Қамашликлар майда касаначиликнинг турли шакл ва усулларидан ниҳоятда омиқдорлик билан фойдаланмоқдалар.

Кишлоқда учта мактаб, битта коллеж биноси дастур асосида рисоладагидек таъмирланди. Асосий кўчаларга асфалт

ётқизиблиб, хиёбонларга турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Эски, қаровсиз боллар фермерлар ихтиёрига берилди.

Кишлоқда 16 минг аҳоли яшайди. Улар турли миллат вакиллари. 137 нафар фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Жумладан, сабзавот, полиз, мева, сут, гўшт етиштирадиган фермерлар бор.

Кишлоқ бозори доимо аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган махсулотлар билан тўла. Гўшт ва сут махсулотларига бўлган талабни қондириш борасида аниқ тадбир ишлаб чиқилган. Озодлик ва чинакам эркинлик шабдаси одамларни янгилик яратишга ундамоқда. Тегирилони, кашкаш, темирчи, пайвандчилар доимий мижозларга эга. Кишлоқ хунармандлари «Арабий», «Эроний», «Хоразм», «Темирхон» гиламларидан нухса олиш, уни аслидагидек яратишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Замон талаби билан кўлда ишланган сифатли махсулотларнинг бозори чаққон.

Янгилик ижодкорлари Раънохон, Иноят ва Муниса Мавсумовалар тўқув ва бичиш-тикиш дастгоҳларида 20 нафар қўли гул қизларга устозлик қилади.

— Моимларимиздан қолган хунарни эъзозлаб кам бўлмадик, — дейди қизлар. — Чеварларимиз тўқиган «Арабий», «Туркман», «Жези», «Бағдоди» гиламларига харидор кўпаймоқда.

Кишлоқ аҳлининг тотув, аҳил ва фаровон турмуш кечиришини таъминлашда фуқаролар йиғинининг алоҳида ўрни бор.

— Фаолиятимизда тун ва куннинг аҳамияти йўқ, — дейди ҚФЙ раиси Шавкат Турсунов. — Гоҳо фуқаролар йиғини идораси ётқоҳонамиз бўлиб қолади. Эшқурбон Хонналиев, Эргаш Султонов, Алиқул Раҳмонқулов, Гулмурод Ризоқулов каби фаолларимиз елиб-югуриши, ташаббуси билан кишлокқа газ, ичимлик суви келтирилди. Кўчалар асфалтланди. Бозор, кишлок суви келтирилди, мактаб таъмирланиб, қатор хонадонлар бепул таъмирдан чиқарилди. Президентимизнинг қарорини бажара бориб, ешларга ҳовли-жойлар берилди. Боллар бош режа асосида ўзгартирилди. Энг муҳими, одамлар онгида янгилишни қуртаклари барг ёзаётгани кувонарлидир.

Дўстмурод ХАҚНАЗАРОВ, журналист

таълими соҳасида ҳам кўп учраяпти. Бюджет ташкилотлари ва муассасаларида умумий назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг режа топширигига асосан текшириш ўтказилганда шахар халқ таълими тизимида ҳам меҳнатни муҳофазат қилишга жиддий эътибор берилмаётганлиги аниқланди. Оқибатда халқ таълими бўлими мудири Гулноза Латипова, болалар ва ўсимирлар спорт мактаби раҳбари Т.Холмуқов, «Наргис» болалар боғчасининг мудири Д.Юнусоваларга жами 111 минг 780

кўнгилсиз ҳолатнинг олдини олса бўларди. Нега беғамлик, бепарволик қилинди? Қаранг, оддийгина ҳолат. Коллеж қурилишидаги темир зинапоёга электр токи қаердан келган?

Мутахассисларимиз ўша жойга бориб, бу ҳодиса сабабларини ўрганиб келишди. Маълум бўлишича, электр сими девор ёқалаб, сувоқ ичидан ўтказилган, кемтик бор жойини устидан суваб қўйишга лоқайдлик қилинган.

— Айтинг-чи, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар олдини олиш, ишчиларнинг хавф-хатарсиз иш-

Озод юртнинг обод маҳаллалари

Кўмқўрғондаги «Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўра Чориев билан суҳбатлашиб ўтиргандик, ҳонага бир отахон кириб келди.

— Раис ўлим, бизнинг кўчадаги табиий газ қувурларини янгилаб бераётганингиз учун сизга 42 хонадон сохиблари номидан раҳмат айтгани келдим, — деди у.

Сал Фурсат ўтмай маҳалла идораси нуронийлар ва ёшлар билан гавжумлашди. Хайрон бўлганимизни кўриб, маҳаллага узоқ йиллар раислик қилган Эшонқул бобо Хазратқулов шундай деди: — Тўравой, маҳалладаги газ қувурларини янгилаётганингизни эшитиб, ёшларни эргаштириб хашарга келдик.

— Маҳалламизда салкам 4500 киши истиқомат қилади. Шароитимиз яхши, — дейди маҳалла раиси Тўра Чориев. — Ҳар бир хонадонда 13 сотих атрофида томорқа бор. Унда рўзгор

учун зарур барча махсулотлар етиштирилади. Эрта баҳорда 6740 тул мевали дарахт кўчати, 5000 дан зиёд гул ўтказдик. Уларни парваришлаган хонадонларга юклатилди. Маҳалламиз 1970 йили газлаштирилган. Шунча вақт мобайнида қувурлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Шу боис табиий газдан ўтган кишда фойдалана олмадик. Бу ҳақда туман ҳокимлигига таклиф билан қилдик. Бугун эски қувурларни алмаштиришда ҳокимият ёрдам берапти. Маҳалламиз аҳли ҳам қараб тургани йўқ.

— Табиати сувган одам оиласини ҳам, юртини ҳам севади, — дейди «Энг обод уй» танлови ғолиби А.Жумаев. — Маҳалламиздаги 7-мактаб ҳамда «Олдузча» болалар боғчасида Бекмурод Урозов ташаббуси билан ҳар олти ойда «Кўшлар» ва «Гуллар» байрами бўлиб ўтади. Анжуман сўнгида иштирокчилар ва «Энг обод хонадон», «Гулзорли уй» танлови ғолиблари рағбатлантирилади.

Этироф этиш кераки, туманда янгиерликлар тажрибаси кенг оммалашган. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, атрофини тоза тутиш, кўчалар парваришларини Эргаш Ашуров, Тўлқин Чориев, Хайитмурод Мусурмонов сингари маҳалла фаоллари мунтазам назорат қилишади.

— Бағрикўнг халқимиз. Ҳамиша меҳр-муруватга интилиб яшамиз. Бу борада янгиерликлардан ифрат олса арзийди. Маҳалла аҳли бир тану бир жон бўлиб 15 нафар ногиронини, 26 нафар ота ёки онаси йўқ болаларни совға-салом билан йўқлашади, — дейди «Кўмқўрғон» кишлок фуқаролар йиғини раиси Алламурод Бойматов.

Айни кунда маҳаллада тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, касаначиликка кенг йўл очиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

яхшилашга боғлиқ тадбирларни ўтказишга маблағ ажратилмайди. Меҳнат муҳофазаси бўйича махсус хизматлар ташкил этилмаган. Ҳодимлар билан меҳнат шартномалари тузилганда улар йўл-йўриқлар билан таъминланмайдилар. Аксарият бахтсиз ҳодисалар пахта тозалаш саноати соҳасига тўғри келади. Хусусан, «Сардоба» ва «Бахт» пахта тозалаш заводлари акциядорлик жамиятлари шулар жумласига кирди.

Бошқармачиси меҳнат техника хавфсизлиги нозирлари бахтсиз ҳодисалар оқибатида боқувчисиз қолган оилаларга, шунингдек, ногирон бўлиб қолган фуқаролар ҳисобига зарарини қоплаш ва товон пулини тўлаш бўйича давво аризаларини тақдим этиб боришарди. Бундай зарарларнинг умумий миқдори вилоят бўйича 53 миллион 500 минг сўмини ташкил этади.

Хозирги пайтда фермер хўжалиқлари ҳам диққат марказимизда турибди. Текширишларни мувофиқлаштириш Республика кенгаши тасдиқлаб берган жадвалга мувофиқ улар фаолиятини ҳам ўрганиб чиқдик.

— Фуқароларнинг мунозабатлари, ариза ва шикоятларини ижобий ҳал этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида маълумот берсангиз.

— Жорий йилнинг бошидан хозиргача фуқаролардан жами 112 та оғзаки ва ёзма ариза ҳамда шикоятлар келиб тушди. Техника хавфсизлиги бўйича давлат нозирларимиз хўйларга қизиқиб, аҳолини ўрганишлар, Аксарият нозорлик сабаблари меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилинмаётганлигини тасдиқлади. Улардан 78 таси ижобий ҳал қилинди. Касаначилар ўртасида ҳам тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Биз барча хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Аммо меҳнат жамоалари, муассасалар раҳбарлари ҳам четда турмасликларни керак. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ корхона раҳбарияти меҳнат муҳофазаси учун бевосита жавобгар ҳисобланади. Зеро, дунёда инсондан азизроқ зот йўқ. Шундай экан, барча ишлар фақат инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилиши керак.

Пириқул ДУСТМАМатов, «Ishonch» мухбири

Рухият синоатлари

Бир аёлни тушида машина уриб юборди. У кучли огрикдан кичкирганича уйғониб кетди. Караса, ёстиги тердан жикка хўл, кўксидида каттик санчик бошланган экан. Эртасига аёлни юрак хуружи туттади ва тезда шифохонага ётқизилади. Туш кўриш қандай ҳодиса? Турмушимизнинг гаройиб саргузаштларига бой бу қисми аслида ниманинг махсули экан? Туш тақдиримиздан башоратми ёки у тақдирга ўзгартиришлар олиб киришга қодирми?

Психологларнинг фикрича, инсон қанчалик қаттиқ ухлаётган бўлмасин, бош миёдаги айрим марказларда кўзгалиш юз бериб, улар ишлаб туради. Мазлумки, биз ҳаётда кўрган, ўзимиз гувоҳи бўлган ёхуд кўнгилмиздан кечган ҳис-туйғулар миямизнинг хотира майдонидида жамланиб, унда изини қолдиради. Агар шу излар уйқумида бош миёнинг уйғок марказлари фаолияти билан боғлиқ бўлса, биз уни туш кўра-миш ва айнан ўша воқеа ва кечималар жонланади. Баъзан ўқиган китобимиз ё кўрган филмибиз орқали бундай воқеалар тасаввурда муҳрланиб қолган бўлади. Нима учун айрим тушларни яхши эслаб қоламиз ва баъзиларини уйғонишимиз биланок унутамиз? Агар туш кўраётганимизда бош миёдаги хотирлаш марказлари ҳам кўзгалиш ҳолатида бўлса, кўрган тушимизни батафсил сўзлаб бера оламиз. Аксинча, бу марказлар тормозланган, яъни мудроқ ҳолатда бўлса, туш кўрганимизни билмасиз, лекин уни тўлиқ эслолмаймиз.

Тушнинг рост келиш имконияти қай даражада эканини психологлар ўзига хос талқин этишди. Масалан, тақдирдан башорат қилувчи тушларни киши камдан-кам ҳоллардагина кўради. Аслида биз хира кўринган тушга эмас, аниқ кўринган тушга аҳамият беришимиз лозим. Бир хил нарсанинг такрор-такрор тушга кириши эса кишини нимадандир оғохлантиради. Таниқли психиатр олимнинг башоратли тушларга оид қимматли маълумотлари илмий жи-

Туш кўришда не сир бор?



хатдан ҳам асосланган. Санкт-Петербургда яшаган бу олим ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ўн мингдан ортиқ тушларни ёзиб олиб, илмий таҳлил қилган. Унинг тадқиқотида кўра, туш орқали тиш хасталигини икки-уч кун, ангинани бир ҳафта, ошқозон ярасини бир ой, бош миёдаги ўсмаларни уч ой олдин билиш мумкин экан. Олим шундай мисол келтиради: бир киши тушида мунтазам равишда бузилган тумхум ва ириган балиқни истеъмол этаркан. Шу одам тиббий кўриқдан ўтказилганда унинг ошқозонидида яра пай-

до бўлаётгани аниқланади. Одам ухлаётганда танасидаги аъзолардан келадиган импульслар миёга кундузидан кўра кучлироқ таъсир этади. Шунинг учун беморлар тушда ўзларини ёмон ҳис қиладилар. Ички аъзолардан миёга келадиган импульслар туш мазмунини белгилаб, соғ одамда бошланаётган хасталиқдан хабар беришяма мумкин. Баъзи олимларнинг кузатишлари-

жаат этавериш тўғри эмас. Кўпчилик «тушларга ишонш керакмикин?» деган саволни бериши табиий. Шунга оид бир тарихий воқеани келтириб ўтамиз. Ўн саккизинчи асрда яшаб ўтган олим ўз тадқиқотлари лойиҳада чалқанчасига ўхшаб ўтган кишининг оғзига бир неча томчи сув томизади. Бу одам уйқусида ағдарилиб олади-да, оёқ-қўллари билан сузиш ҳаракатларини қилади. У уйғонганда «тушимда сувга тушиб кетдим, кейин сузиб чиқдим» дейди. Бошқа бир олим эса ухлаётган кишининг товонига иссиқ сувли грелка теккизади. У уйғонганда, қандай туш кўргани сўралади. «Енаётган ёғочлар устиди яланг-оёқ чопиб юрганмишман» дейди у. Лекин тушларга ортиқча аҳамият беравериб ҳам маъқул эмас. Чунки тушларнинг мазмунини ухлаётган кишининг ёши, жинси, эҳтиёжи, физиологик ҳолати, шунингдек, ҳаёт тарзи, билими, қизиқиш ҳаваслари, ўзгалар билан муносабати ҳамда руҳий ҳолатига жуда боғлиқ. Аслида туш ўта гаройиб ҳодиса. Қаранг, илмий муаммолар устиди йиллаб бош қотирган киши тасодифан ўша муаммолар ечимини тушида топиши мумкин. Тушда кўпгина кашфиётлар яратилгани ҳақида далиллар бор. Ўйлаб кўрайлик, биз кун бўйи қандай кайфиятда юрдик? Қай таъбирият билан бандимиз? Енимиздагиларга қандай муносабатда бўлдик? Ўйда-чи? Нималарни орзу қилиб яшапмиз? Буларнинг ҳаммаси кўрган тушларимизда тўла (гоҳи бошқароқ тасвирларда) акс этади. Ўта соғлом ва кайфияти аъло кишилар баъзида тип-тиниқ рангли тушлар кўрадилар. Ахир инсон руҳияти мураккаб, туш кўриш эса шу руҳият билан боғлиқ жараён. Тушни ҳар хил таъбирчиға айтиб кўнгилни гаш қилмоқ ўрнига уни «сувга айтган», яъни сир тутган маъқулроқдир. Тушлардан ҳам кўра ирода-мизга, сабр-қаноат ва кучимизга ишон-сак тўғри йўл тутган бўламиз.

Гулчехра ЖАМИЛОВА



Ў филми, қизми?..

Руминияда галати ҳодиса юз берди. Гап шундаки, Хорлешти шаҳрининг Санта-Мария касалхонасида фарзанд кўрган онага кетаётганида ўғил ўрнига қизалоқни туқазиб юборишган. Чақалоқнинг онаси эса буни уйга борғач, боланинг тағлигини алмаштираётганда сезиб қолган.

35 ёшли Кристина Захаридининг айтишича, туғруқхонани тарқ этаётганида ўғил ўрнига қизалоқни ишончи қомил бўлган. Ҳатто чақалоқнинг эғнига ўзи аввалдан тайёрлаб қўйган ўғил боланинг уст-бошини кийдиришган. Чақалоқнинг отасига касалхонага кўнгирак қилиб, бола алмашиб қолганлиги ҳақидаги маълумотни тушунтириш осон келмади. Чунки у ердагилар бунди шунчаки телефон бозорларидан бирининг ҳазили сифатида қабул қилишди.

Касалхона маъмуриятининг маълумот беришича, ёнма-ён қароватларда жойлашган чақалоқларнинг ўқаш фамилияда эканлиги маъқур хатога сабаб бўлган.



Ишсизлар сони ортмоқда

АҚШда 2008 йилнинг октябр ойида ишсизлик даражаси 6,5 фоизни ташкил этган. Бу сўнгги 14 йил ичидида энг юқори кўрсаткичдир. Ўтган ойда иш берадилар 240 минг иш ўринларини қисқартирган. Йил бошидан бун эса мамлакат иқтисодиёти 1,2 миллион иш ўринларидан маҳрум бўлган.

Ишсизлар сони АҚШда кейинги 25 йилда энг юқори кўрсаткича кўтарилган. Фақат 25 октябрдан 1 ноябрга қадар ишсизлик нафақаси сўраб муурожаат қилган америкаликларнинг сони 481 минг нафарга етган.

Борган сари ўсиб бораётган ишсизлар сони АҚШ иқтисодиёти инқироз ёқасига келиб қолганидан далолат беради. Халқаро «Moody's» рейтинг агентлиги АҚШнинг 30 та штати иқтисодий инқирозга юз тутганлигини аниқлади. Агентлик бунга сабаб қилиб сўнгги йилларда мамлакатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб бораётганини кўрсатмоқда.




Хавотирга ўрин йўқ

«Fransse Presse» ахборот агентлигининг хабар қилишича, Индонезияда содир бўлган 7,7 балли ер силкиниши оқибатида 2 киши ҳалок бўлган, 25 нафар одам турли даражада жароҳатланган.

Қутқарувчиларнинг тақидлашига кўра, қурбонлар сони яна ҳам ортиши мумкин. Сабаби, зилзила натижасида айрим ҳудудлар билан алоқа тизими ишдан чиққан.

Душанбага ўтар кечаси содир бўлган зилзила маркази Сулавеси оролидаги Горontalo шаҳридан 138 километр шимоли-ғарбда, 10 километр чуқурликда жойлашган. Маҳаллий аҳоли цунами пайдо бўлишидан хавотирга тушмоқда.

Чунки 2004 йилги воқеалар ҳали уларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Ушунда юз берган цунами натижасида 300 мингга яқин киши ҳалок бўлган эди. Бирок мамлакат метеорология ва геофизика миллий бошқармаси бундай хавотирга ўрин йўқлигини тақидламоқда.



Тома-тома кўл бўлур...

Ўтган жума куни Хорватия ҳукумати давлат ташкилотларига янги йилни нишонлаш ва ўз ходимларига байрам совагалари тарқатишни таққилб қўйди.

Мамлакат бош вазири Иво Санадернинг айтишича, ҳукумат жаҳонда юз бераётган иқтисодий танглик туфайли маблағлар сарфини камайтириш мақсадида шундай йўл тутишга қарор қилган. Шунингдек, бош вазир бошқа давлат корхоналарини ҳам маблағларни иқтисод қилувчи манбаларни топишга чакирган.

Хорватия давлат компанияларида 250 мингдан ортиқ ходим ишлайди. Сентабр ойида давлат ходимларининг ўртача ойлик маоши 800 евро, яъни мамлакатдаги ўртача иш ҳақидан 15 фоиз ортиқни ташкил этган.



ган бир ресторанга кирдик. Официант овқатни келтириб бўлгач, столга бир неча идишда лимонли сувоқлик қўйиб кетди. «Буниси нима экан?» деб ўйлади. Сўнг кўшни столларга назар ташлади. Балиқни еб бўлган, ҳалиги идишдаги сувга кўл ювилаётган!

Айни вақтда бизнинг ресторанлардаги шарт-шароит ҳам чет элликдан қолишмади. Лекин баъзиларимиз «кўл ювишни унчалик зарур деб ҳисобламаймиз. Ажабларимиз бу борада ўта ақлдан бўлганлар. Беш вақт намоздангиз узиёқ покизалиқнинг ёрқин намунаси ҳисобланган.

Ҳар ҳолда «қороз пилдан ташқилдиган касаллик» ҳақидаги хабар бекорга айтилган бўлса, биз қаракатчан аъзо — кўлларимиз бизни касалликка рўпара қилувчи ҳам ва аксинча дардлардан димоғ-этунни ҳам бўла оларкан. Ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай киши «бизнинг Юсуф ахлиқчи бўлмаганда кўлларини тез-тез қўлиб турса, бунинг ҳосили қатта. Ишонч маъносида!» У ҳолда шифоқор халқидан бир сўраб кўринг-а!

ГУЛЖАМИЛА

ВАҚТ ва ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, биз иш кўнимизнинг бор-йўғи 20 фоизни унутмай ўтказамиз. Қолган вақтимиз эса асосан бекор ўтиб кетади. Аммо кун тартибининг тўғри ташкил қили олсангиз, иш унутингиз анча яхшиланиши мумкин экан. Қуйида биз кўпроқ нарсаларга улгуриш мақсадида йўл кўядиган баъзи хатолар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

- 1. Тушлик вақтида ҳам бирор ишларни қилиб олишга ҳаракат қиласиз. Лекин бунинг нотўғри эканлигини мутахассислар ҳам исботлашган. Сабаби — соат 14.00 дан 15.00 гача бўлган вақт давомида бизнинг жисмоний ҳамда ақлий фаолиятимиз нолга тенг бўлади. 2. Иш кунини узайтиришга ҳаракат қиласиз. Меъридан кўп вақт мобайнида ишлашнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқдир. 8 соатлик иш кунидан сўнг меҳнат унуми камайса, камаядики, аммо ошмайди. Чарқок кўпроқ хатога йўл қўйишимизга олиб келади, бу эса иш сифатини пасайтиради. 3. Уйга бирор ишни олиб борасиз. Бу хусусиятингиз билан авваллашганда ўзингизни дам олишдан маҳрум қилиб, охири-охирида бор кучингиздан айрилсангиз, иккинчидан, шахсий ҳаётингизга ҳам зарар етказасиз. 4. Мехнат таътилидан ўз ихтиёрингиз билан воз кечасиз. 5. Хар бир организм маълум вақт давомида дам олиши зарур. Агар уни бу ҳордиқдан маҳрум этсангиз, унда профессионал ютуқларни ҳам қўтманг. Шундай экан, ҳокорида ўзингиз билмай-билмай йўл кўядиган баъзи хатолардан воз кечсангиз, иш вақтингизни унумли ўтказишга эришган бўласиз.

- 6. Бутун бўш вақтингизни эгаллайдиган хоббингиз борми? 7. Шахсий ҳаёватингиз учун яққа тартибда спорт билан шуғулланасизми? 8. Бўш вақтингизни қўшимча даромад келтириш мумкин бўлган ишларга сарфлайсизми? 9. Кино, театр, концерт, музейларга борасизми? 10. Ресторан, кафе, базмларда бўласизми? 11. Жамоат ишлари билан шуғулланасизми? 12. Телевизор олдида ўтиришни яқши кўрасизми?

Энди натижалар билан танишинг. Аввал 6 та тоқ сонларнинг жавоблари йиғиндисини жамланг.

НАТИЖАЛАР:

- «Ҳа» деган жавоб учун очко қўйилмайди. «Баъзан» деган жавоб 1 очко, «Ҳеч қачон» 2 очкога тенг. 0-5 очко — сиз ҳаётда қатъий мақсадга эга бўлган, тўғри йўл танлаган инсонсиз. Ҳаётни қизиқарли, мароқли ўтказиш борасида тўлиқ тасаввурга эгасиз. 6-9 очко — сизнинг ҳаётдаги талабларингиз бироз сустроқ, кўпинча бошлаган ишларингизни ниҳоясига еткази олмайдисиз. 10-12 очко — сиз ҳаётга юзаки муносабатда бўласиз, бўш вақтдан ёмон фойдаланасиз, кўп зерикасиз, атрофдагиларнинг маслаҳатларини оғриниш билан қабул қиласиз. Одатларингизни ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўринг. Узингиз ҳақингизда қўшимча маълумот олиш учун 6 та жуфт сонли саволлар жавобини ҳисоблаб чикинг. 0-5 очко — ўйин-қулуга жуда берилгансиз, бўш вақтингизни беҳуда нарсаларга сарфлайсиз. 6-9 очко — жуда меҳнатсевар одамсиз, аммо анча одамовисиз. Бўш вақтингизни севимли ишларингиз билан ёлғиз шуғулланишга сарфлайсиз. 10-12 очко — сизнинг бутун эътиборингиз вақтингизни қатъий ҳаётий дастур асосида ўтказишга қаратилган. Аммо бошқа юмушлар учун ҳам вақт топа оласиз.

- ган саволга жавоб топишга уриниб кўринг. Саволларга жавоб сифатида «Ҳа», «Баъзан», «Йўқ» сўзларидан бирини танланг. 1. Бўш вақтингизни одамлар (масалан, танишувлар, дўстлар, ҳамкасблар)га сарфлайсизми? 2. «Олди-қочди» адабиётлар (фантастика, комедия, саргузашт) ўқийсизми? 3. Жиддий асарлар ўқийсизми? 4. Уйда касб-корингизга боғлиқ иш билан шуғулланасизми? 5. Уй ишлари, кундалик маиший юмушлар билан шуғулланасизми? 6. Бутун бўш вақтингизни эгаллайдиган хоббингиз борми? 7. Шахсий ҳаёватингиз учун яққа тартибда спорт билан шуғулланасизми? 8. Бўш вақтингизни қўшимча даромад келтириш мумкин бўлган ишларга сарфлайсизми? 9. Кино, театр, концерт, музейларга борасизми? 10. Ресторан, кафе, базмларда бўласизми? 11. Жамоат ишлари билан шуғулланасизми? 12. Телевизор олдида ўтиришни яқши кўрасизми?

Энди натижалар билан танишинг. Аввал 6 та тоқ сонларнинг жавоблари йиғиндисини жамланг.

НАТИЖАЛАР:

- «Ҳа» деган жавоб учун очко қўйилмайди. «Баъзан» деган жавоб 1 очко, «Ҳеч қачон» 2 очкога тенг. 0-5 очко — сиз ҳаётда қатъий мақсадга эга бўлган, тўғри йўл танлаган инсонсиз. Ҳаётни қизиқарли, мароқли ўтказиш борасида тўлиқ тасаввурга эгасиз. 6-9 очко — сизнинг ҳаётдаги талабларингиз бироз сустроқ, кўпинча бошлаган ишларингизни ниҳоясига еткази олмайдисиз. 10-12 очко — сиз ҳаётга юзаки муносабатда бўласиз, бўш вақтдан ёмон фойдаланасиз, кўп зерикасиз, атрофдагиларнинг маслаҳатларини оғриниш билан қабул қиласиз. Одатларингизни ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўринг. Узингиз ҳақингизда қўшимча маълумот олиш учун 6 та жуфт сонли саволлар жавобини ҳисоблаб чикинг. 0-5 очко — ўйин-қулуга жуда берилгансиз, бўш вақтингизни беҳуда нарсаларга сарфлайсиз. 6-9 очко — жуда меҳнатсевар одамсиз, аммо анча одамовисиз. Бўш вақтингизни севимли ишларингиз билан ёлғиз шуғулланишга сарфлайсиз. 10-12 очко — сизнинг бутун эътиборингиз вақтингизни қатъий ҳаётий дастур асосида ўтказишга қаратилган. Аммо бошқа юмушлар учун ҳам вақт топа оласиз.



Юздаги ифодани уқуш

Юз ифодаси ҳақида гап кетганда, айниқса, кўз қалбнинг ойнаси сифатида қанчалар муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтиш жоиз. Хоҳ ақилларимиз, хоҳ беғоналарнинг кўзларига қараб ҳам-ташвиш, маъқуллаш, ёқтириш, қувонч, рағбат каби туйғуларни уқиб оламиз. Кўзлари ўйнаб турадиган кишиларга ишонсизлик билан боқамиз. Чунки улар очик ҳақиқатни яширишга уринаётган бўлади.

Олимлар халқларни шартли равишда контактли ва контактсиз тоифаларга ажратишган. Контактли халқлар жумласига араблар, Латин Америкаси халқлари, Европа жанубида яшовчи халқлар кирди. Улар сўхбатдошининг елкасига уриб-уриб гапирадилар. Масалан, японлар кўзга тик боқиб гапиришни беодоблик санашади. Уларнинг фикрича, сўзлашаётган сўхбатдошининг елкасига қараб туриш лозим.

Кенияда куёв билан қайнона қандай гаплашиши ҳақида эшитганимиз? Улар сўхбатлашаётганида бир-бирига орқа ўгириб туришлар асрлар бўйи сақланиб келмоқда.

Кенияликлар юздаги ифодадан кўра сўзга ишонадиларми, сўзининг қудратини афзал кўрадиларми, ҳар ҳолда донишманд халқ бу нарсани беҳиж одатга айлантормадилар.

Хуллас, юзда кайфиятни фоз этидиган нимадир бўлади. Киши ҳолатига боғлиқ равишда юзи қизаради ёки оқариб кетади. Аммо қўли қолши керакки, баъзилар ҳар қандай вазиятда ҳам сир бо бермай юз ифодасини нохизлаштириб кўрсата оlishади.

Бу дунёда фақат болалар нағиштириб иккиозламачилик ва ясалмаликдан холи бўлади.

Ташвиш-тишга босиб, ғазабингизни инга ютаверсанг, сиртга чиқмаган нафрат охири йиқитади. Унинг зил-замбилдай юки ички қувватингизни пароканда қилиб ташлайди, дейди баъзи олимлар. Бундай кишиларда турли касалликларга чалиниш хавфи кўпроқ бўлади. Лекин муваффақиятсизликни хотиржамлик билан қарши олсангиз, ишингиз юришиб, жами мушкулот сиздан нари бўлади. Чунки юздаги ифода билан жисмоний ва руҳий ҳолат ўртасида боғлиқлик мавжудлигини унутмаслик керак.

Жамшид НИЁЗОВ, журналист



Бир куни эрталаб радионинг кулоғини бурасам... Дунёнинг турли жойларидан олди-қочди хабарлар берилаётган экан: — Айтишларича, асримиз бошларида антика бир хасталик жуда тез тарқалиб, аҳолини жиддий ташвишга солади. Мутахассисларнинг тақидлашича, бу касаллик қороз пилдан пайдо бўлади! Ушундан бери қаерга борсам, радиода эшитганим — ҳалиги хабар хаёлимда айланаверади. Айниқса, бозор ораласам, қуюнишим баттар ортади. Қаранг, сомса сотувчи аёлнинг кўли қўлига тегмайди. Харидордан пул санаб олади. Сўнг халати чўнтагидаги қийимланган пуллардан ажратиб, жамланг узатади. Кейин эса қўлига сомса ушлаб яна харидор чақираверади.

АНТИКА «КАСАЛАЛИК»

«Нахотки, ўша касалликнинг тарқалишига сомапазлар кўпроқ хисса қўйишса?» дея ўйлаб кетаман. Сал нари борсам бошқачароқ ҳолат. Қаттиқ сотувчи аёллар бир четда топганни ўртага қўйиб тушлик қилиб ўтиришибди. Ора-сира келган харидорларга стаканга қаттиқ қўйиб беришади. Харидордан пул санаб олиб қайтиб узатишади. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек яна овқатга кўл уришади. «Тавба, кўлларини ювиб олишса бўлмасмикан?» — дея ўйлаб бошлайман. — Ахир бу пуллар қўлдан-қўлга ўтиб, касаллик микробларини кўтариб юрмаганмикан?»

Уйга келаман. Эшик кўнгириги жиринқилади. Очсам, ўғлим мактабдан, қизим эса боғчадан қайтган бўлади. — Чанқотки, чойингиз борми? — дейди ўғлим. — Менга нон беринг, қорнин очқади, — дейди қизим. — Қўлларингизни ювиб олинглар, — дейман уларга. — Мен боғчада ухлаб бўлиб, кейин қўлимни ювганимди, — дея қафтини очиб кўрсатади қизалоқим.

Уни ёнимга ўтказиб, йўл-йўлакай боғчанинг эшикларини, ўриндиқларини, зинапола тутқичларини ушлагани, улар чанг бўлиб, соғлиққа зарарли эканини обдон тушунтираман. «Ҳамиша кўл ювиб, сўнг овқат есанг, ҳеч касал бўлмайсан» дейман. Қизим хўп дегандек бош иргайди ва шу захоти мендан эшитганларини унутиб, нон ишининг коққоғини очади. Жаҳлим чиқади: «Бу болаларни назорат қилиб бўладими ўзи? Уйда қаттиқ турганинг билан боғча бор, мактаб, кўча бор... У ерда ким ҳам назорат қиларди буларни?». Бир пайтлар Юсуф ака деган кўчимизис бўларди. Тенг-қурлари уни орқаваротдан «Юсуф олифта» дейишарди. Чунки бу кўчимизнинг хўп галати феълйи бор эди, қаерда сув кўрса дарров бориб қўлини ювиб оларди! Бунинг хар ким хар хил тушунарди. Кўпинча бошқа

маҳалладаги тўй-маъракаларга борар бўлишса, ҳамроҳлари «Юсуфбой, уйда қўлингизни яхшилаб ювиб олинг, у ёқларда сув борми-йўқми...» деб ҳазил қилишарди. Бир куни қизиқ воқеа бўлган. Юсуф ака қассоб оғайнисини кўргани шифохонага борганда ичкарига кирибқок беморни қойиб кетибди: — Ҳамма касалингни кўл ювмаслигингиздан. Бу ёқда гўш майдалайсизу кўлни ювар-ювмас овқат чайнайсиз!

Бу гапни эшитган қассоб аввалига қотиб-қотиб қулибди, сўнг ёнидагиларга ўртоғининг феълйини айтиб берибди... Хорижга бориб келган бир таънишим галати воқеани гапириб берди: — Балиқчи таомлар тайёрлайди-

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Сирлар уммонига
саёҳат

Академик В.Нерсисянц ва профессор А.Саидовнинг Роберт Фишер ҳақидаги
мақолаларини ўқиганимда мени уч нарса ҳайратга солди:
Биринчиси шуки, миллати армени бўлган олимнинг рус тилида ёзган асарини
Ўзбек олими инглиз тилига таржима қилиб, сўнг ўзбекчалаштирибди ҳамда
уч тилда — ўзбекча, инглизча, русча — шарҳлар битибди. Аввал инглизчага ўги-
рилгани ўзбекча матн услубидан кўриниб турибди;


В. ЛАПАЕВА,
юридик фанлар доктори

Бир мақола
тарихи

Мақола, албатта, Фишер ва унинг шахматда
эришган юксак натижа ҳақида эмас эди. Мақола
ўз қобилиятининг кучини тушунадиган ва инсон-
нинг ўз истеъдоди олдидидаги бурчи тўғрисида
ҳамда ижоднинг бойлиги билан шон-шўҳрат ва
пул ила ўлчанадиган ҳаётини муваффақиятдан би-
рини танлаш тўғрисида мулоҳаза юритувчи анча
ёш одам томонидан ёзилган эди (муаллиф ўша-
нда ўттиз тўрт ёшда бўлган). У ўша пайтда танла-
шни ижод фойдасига амалга оширгани шунчаки
гап эмасди. «Чунки, — дер эди у, — армиялар син-
гари одамларга ҳам галаба зарур». Лекин бари-
бир у ўша пайтлари ёзилган бир шеърда ўз-
ўзига мурожаат қилиб кўйидагиларни ёзган эди:

Спорт оламида

Оғир атлетика
Кореядан
медаллар билан



29-ёзги олимпиадада
терма жамоамизнинг
икки нафар оғир атле-
тикачиси Мансурбек
Чашеменов ва Шерзоджон
Юсупов медалларга
эришмаган бўлса-да,
ёмон натижа қайд
этишмаган эди.

Олимпиададан сўнг Ўзбекистон оғир атлетика федерация-
си мутасаддилари билан суҳбатлашганимизда, улар олдин-
да Жанубий Кореяда ўтадиган клублараро Осиё чемпионати
турганини ва спортчиларимиз ушбу турнирда бор маҳорат-
ларини ишга солишини айтиб ўтганди. Шундай ҳам бўлди.

Мусобақада қитъанинг 20 дан ортиқ жамоаси қатнашди. На-
тижаларга ўталадиган бўлса, иқтидорли спортчимиз Баҳ-
ром Мендибоев силтаб кўтариш буйича бронза медалга са-
зовор бўлди. Шунингдек, 56 кг вазн тоифасида Руслан Ма-
каров, 62 кг-да Руслан Алпанов, 69 кг-да Субхон Қобилов
ҳам бронза медалларини қўлга киритишди.


Энг ювончилиси, Мансурбек Чашеменов 85 кг. вазн тоифа-
сида олтин медал соҳибига айланди. 94 кг. вазндаги вакили-
миз Гийёс Аҳмедов эса кумуш медални қўлга киритди.

Яқунда умумжамоа ҳисобида Зарафшон шахрининг «Стро-
ител» спорт клуби Эрон, Хитой ҳамда Жанубий Корея клуб-
ларидан сўнг тўртинчи погонадан жой олишга муваффақ
бўлди.

Шундай қилиб, спортчиларимиз олинман муваффақиятли
ўтишди. Эеро, 2012 йилги Лондон олимпиадасига тайёргар-
лик ҳозирдан бошлангани сир эмас.

Футбол

Олтин дубл




Қутилгандек, «Бунёдкор» клуби
муддатидан олдин мамлакат
чемпионлигини қўлга киритди.
«Анджон»ни қабул қилган Зико
шоғирдлари 2:0 ҳисобида
ишончли галабага эришди ва
чемпионат якунига икки тур
қолганда олтин «дубль»ни нишон-
лаш бахтига мушарраф бўлишди.

Чемпион жамоа бош мураббийи
Зико учрашувдан кейинги мат-
буот анжумани чоғида ўз хурсан-
дчилигини кўйидаги сўзлар билан
ишор қилди:

— Бутун йил давомида қилинган ҳаракатлар натижаси бу.
Шу сабабдан мендан олдинги бош мураббий Миржалол Қоси-
мовнинг ушбу чемпионликдаги катта хизматларини алоҳида
кўрсатиб ўтмоқчиман. Қосимов арим ҳимоячи бўлган, мен эса
— ҳужумчи. У бу йил «Бунёдкор»да кўп ишлар қилди. Ҳуш-
тиш қилиб гапирганда, «Қосимов рақибнинг бутун арим ҳимо-
ясини алдаб ўтиб, гол уриш учун қўлай вазиятда турган менга
пас оширди. Мен эса тўпни дарвозага юмлатиб қўйдим, хо-
лос. 28-турнинг қолган ўйинларида кўйидаги ҳисоблар қайд
этилди: НАВБАХОР - ҚИЗИЛҚУМ - 1:1, МЕТАЛЛУРГ -
ОТМК - 1:1, МАШВАЛ - БУХОРО - 2:0, ЎЗ ДОНТ-ЖУ -
НЕФТЧИ - 1:1, ДИНАМО - ПАХТАКОР - 1:3, ШўРТАН - НА-
САФ - 3:2 ЛОКОМОТИВ - СЎҒДИЁНА - 3:0.

Балли, ёшлар!



Саудия Арабияси-
да 19 ёшгача бўлган
терма жамоалар
ўртасида футбол
бўйича Осиё чемпио-
нати яқунланди.

Мусобақа финалига қадар мардонавор ўйин кўрсатган
ҳамюртларимиз ҳал қилувчи учрашувда БАА терма жамоа-
сини мағлуб этиши лозим эди. Бироқ ўша кунги омад араб-
лар томонида бўлди ва икки бора ҳисобда олдинга чиқиб
олган жамоа яқунда 2:1 ҳисобида галабага эришди. Гарчи,
ютказган бўлса-да, асосийси, жаҳон чемпионатида қишқ
вазифасини шараф билан урдаладиқ. Футболнинг тарихида
илк маротаба ОФК миқёсидаги мусобақаларнинг финалига
қадар етиб бордик.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмад
Убайдуллаев жамоаси мағлубиятини шоғирдларнинг
сўнги икки ҳафтада олти учрашув ўтказиб, толиқиб қол-
гани билан изоҳлади: — Мусобақа тақвими шундай тигиз
тузилганки, бу асосий таркибдаги 12-13 нафар футболчи-
мизнинг ўз кўчларини тиклаб олишларида ўз таъсирини
кўрсатмай қолмади. Бугун икки жамоа ҳам ажойиб ўйин
намойиш этди ва сўнги дақиқаларгача фақат муваффақият
учун ҳаракат қилишди. Афсуски, чарқоқ ҳужумчиларимизга
иккинчи марта ҳисобни тенглаштиришга ҳалал берди.

Шуни қўшимча қилиш мумкинки, Осиё чемпионатининг
қумуш медалларига эришган терма жамоамизга мусобақа-
нинг «Ҳалол ўйин» соврини ҳам топширилди.

Ақмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқ-
лари ходимлари касабга уюшма Марказий кенгаши ва Тошкент
шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари
ходимлари касабга уюшма кўмиталари раислари кенгаши «Агрегат
заводи» ОАЖ касабга уюшма кўмитасининг бош ҳисобчиси Ал-
фия Тошпўлатовага падарни бузруқвори

КАТИМ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Қашқадарё
вилоят кенгаши ва Қарши шаҳар касабга уюшма ташкилотлари
раислари кенгаши жамоалари виллоят ҳамда Қарши шаҳар кен-
гашларининг аъзоси, Қарши «Нур» нон ишлаб чиқариш МЧЖ ка-
саба уюшма кўмитасининг раиси
Гулнора ХАМЗИНАнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чукур
таъзия изхор этади.

Шахмат қироллари ҳаётидан

Роберт Жеймс Фишер шахмат-
га ўзининг ноёб галабалари ва
партиялари билан биргаликда
шахсини ҳам олиб кирди. У
биргина ватанида эмас, балки
дунёда ҳам шахматга фақат
дунёда, спорт ёки санъат сифатида эмас,
шунингдек, умуман турмуш ва инсон шахси
намоёни бўладиган соҳаларга бўлгани каби
қизиқишини сезиларли даражада жонлан-
тирди. Шахмат ўйинлари-
дан деярли беҳабар кўпчи-
лик одамлар, эҳтимол,
унинг шахмат шохсупала-
ридан кўтарилишини тўғри
ўта қизиқарли саргузашт-
лар ёки жаҳон шов-шувла-
рига бериладиган эътибор-
дек кузатиб борган бўлиш-
лари мумкин. Бунда ҳатто
кулгили ҳолатлар ҳам рўй
берибди.

Роберт Жеймс Фишер шахмат-
га ўзининг ноёб галабалари ва
партиялари билан биргаликда
шахсини ҳам олиб кирди. У
биргина ватанида эмас, балки
дунёда ҳам шахматга фақат
дунёда, спорт ёки санъат сифатида эмас,
шунингдек, умуман турмуш ва инсон шахси
намоёни бўладиган соҳаларга бўлгани каби
қизиқишини сезиларли даражада жонлан-
тирди. Шахмат ўйинлари-
дан деярли беҳабар кўпчи-
лик одамлар, эҳтимол,
унинг шахмат шохсупала-
ридан кўтарилишини тўғри
ўта қизиқарли саргузашт-
лар ёки жаҳон шов-шувла-
рига бериладиган эътибор-
дек кузатиб борган бўлиш-
лари мумкин. Бунда ҳатто
кулгили ҳолатлар ҳам рўй
берибди.

ни ҳам аналтади. Унинг ҳозирги руҳий қий-
налиши менга шон-шўҳрат чўққисига чиққан
инсоннинг боши берк кўчага кириб қолиши-
ни эслатади.
Фишернинг шахмат ўйинлари баъзан ни-
ҳоятда ёрқин ва равшан, унинг шахсия-
ти эса, аксинча, ичимдагини топ қаби-
лида — ёпик, хира, қоронғу. Бундай
тафовут — шахсий, даставвал,
ҳаётини мақсадни умумаҳамиятли



В.Нерсисянц
Роберт Фишернинг
мушқул партияси

В.Нерсисянц

Роберт Фишернинг
МУШҚУЛ ПАРТИЯСИ

ва оммабол ижодиётга айлантириш бораси-
да улкан иш бажарилганининг яққол дало-
латидир. Маданиятнинг инсон ютуқлари ҳар
қандай соҳасидаги йўли аслида мана шун-
дай.

Мен ҳатто шундай дейишга журъат қилар-
дим: Бобби Фишердаги ҳам равшанлик, ҳам
ёпиклик Гераклитнинг³ ташқи жиҳатдан
шаффоф ҳижматларининг қоронғу ички маз-
мунига ўхшайди. «Абдиёт» — шахмат ўйнаб
вақтини чоғ қилаётган бола; бола подшо-
лиги». Бу, эҳтимол, ҳали шахматнинг ўрни-
ни ўзига нарсга эгалаб турган миллоддан ол-
динги VI-V асрларда яшаган қадимий му-
аллиф фикрининг биринчи замонавийлаш-
тирилган, Фишернинг ички хусусияти ва
шахсиятига мос тарздаги баёни бўлса ажаб
эмас.

Умуман олганда, ҳаёт ва ўлимнинг жаҳон
оқимида ўз ўрнининг моҳиятини излаган,
бизга замондош жаҳон чемпиони машҳур
юнон билан ўзи ўртасида ҳаммаҳамиятли

гидан мамнун ҳолда ажабланиши мумкин.
Боббига хос бўлган кайфият, менимча, ҳеч ким
томонидан даниялик Серен Керкегорнинг
«Кўркув ва титроқ-идагидек»⁴ чукур ва теран
таъсирланган бўлса керак. «Тангри-
нинг бутунжаҳон черкови»⁵ кате-
хизисидан кейин Бобби, таъбир
созиб бўлса, руҳий уйғунлик-
ни учратиб, Гераклит ва
Керкегорнинг бир неча са-
ҳифаси устида жўнгина
ҳордик чикарган бўлур эди.

Таъкидлаб ўтиганидек,
Бобби Фишер ўз ҳаётини
шунчаки шахматга баши-
да қилибгина қолмай,
балки шахматини ўз
ҳаётига айлантирди.
Бундай ҳаётини мақсад-
ни муайян муваффақи-
ятга эришиш (Бобби
мисолида — шахмат то-
жини эгаллаш) билан
бирлаштиришдек ноёб
собиққадамлик кейин-
чалик маънавий таназ-
зул ва қадриятларни
қайта баҳолашга олиб

келди. Бу ҳатто мақсад амалга ошган
тақдирда ҳам рўй берибди. Шоир назокат билан
луф қилганидек, «илк мафтункорлик гўзал,
журрофатга мафтункорлик хавфли»⁶. Бобби бу-
гунги кунда ушбу ҳақиқатни фожойи равиш-
да ифодалаб турибди.

Ҳақ шундаки, забот этишга киришиш олди-
дан ҳар қандай муайян ва, бинобарин, чек-
ланган мақсад қанчалик жозибали ва олий
бўлиб туюлмасин, ҳаёт ундан улкан ва юкс-
акроқдир. Мақсад қанчалик кенг қамров
бўлмасин, ҳаёт барибир ундан анча кенг-
роқдир. Эеро, ҳаёт турли мақсадлар сизиб
чиқадиган ва оқиб кетадиган чашмадир.
Турли мақсадлар оқиб кетса-да, ҳаётнинг
ўз улуши қолади. Шу маънода ҳаётнинг
ўзи сўнги оқимдир.

Инглиз тилидан
Ақмал САИДОВ таржимаси
(Давоми бор)

1 У ўзини Бобби деб аташларини илтимос қилган.

2 Сўз 1972 йил 11 июл — 1 сентябрда Исландия пойтахти Рей-
кявикда Борис Спасский билан Роберт Фишер ўртасида бўлиб
ўтган шахмат бўйича жаҳон биринчилиги ўйини ҳақида бормок-
да. Тож таълаборининг ўйинга кеңиши ва иккинчи партияга кел-
маслиги учрашуви барбод қилишга сал қолган... Ўйин Фишер-
нинг яққол устуңлиги билан ўтган ва у 12,5:8,5 ҳисобида галаба
қозонган ҳамда шахмат бўйича 11-жаҳон чемпиони бўлган (А.Са-
идовнинг изоҳи).

3 Гераклит (миллоддан олдинги 544 йил атрофида туғилган —
вафот этган йили номаълум) — қадимий юнон файласуф-доғиш-
манди, ионистик мактаб вакили, Аристотелнинг ўтмишдошлари-
дан бири. У вақтга устуң аҳамият берган ҳолда фикр ва вақт ўрта-
сидаги узвий алоқани эътибор этган. Гераклитга кўра «...фикр
ва вақт ажралмаслар; фикр қилиш унинг учун вақтни фикр қилиш-
ни аналтади». Қаранг: Ф.Кессиди. Гераклит. М., 1982 С.54 (А.Са-
идовнинг изоҳи).

4 Серен Керкегор (1813-1855) — даниялик машҳур файласуф,
илоҳиётчи ва ёзувчи, ҳақли равишда экзистенциализмнинг да-
рақчиси ва асосчиси ҳисобланади. Экзистенциал ёндашув ёрда-
мида: руҳий тушунлиқдан бемаъниликка, бемаъниликдан ҳудо ва
инсонга эътиқод қўйишга бориш, насроний диндорликни асо-
лаш, инсон томонидан ўз-ўзини, шахс сифатида камол топиш
ўйини танлаш муаммоси унинг философия излашилларининг асо-
сий йўналишларини ташкил этади. «Кўркув ва титроқ» («Frugt og
Baevep») — С.Керкегорнинг 1843 йили эълон қилинган асосий
асарларидан бири. Қаранг: Быховский Б. Керкегор. М., 1972
(А.Саидовнинг изоҳи).

5 Фишер жаҳон чемпиони бўлганидан кейин Пасадена шаҳ-
рининг (Калифорния) «Тангрининг бутунжаҳон черкови» («Всемир-
ная церковь Господия») сектасига қиради ва ўзининг бутун муко-
фот пулини ушбу сектага ҳадя қилади. Диний ташкилот бўлган
«Тангрининг бутунжаҳон черкови» Фишерга 1975 йилда Исонинг
«тирилишини» ваъда қилади. 1972 — 1975 йиллари Фишер шах-
мат билан жиддий шуғулланмайди. Пасаденада, сектантинг қарор-
гоҳида яшайди. «Сектантинг» етакчилари — даҳшатли инквизилама-
чилар, — дейди Фишер улар билан алоқани узганидан кейин. —
Улар Исонинг яқин орада тирилиши ҳақида бонг урдилар ва мени

Logo of Ishonch newspaper and a list of services: Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi; Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov; Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV; Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar, Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, E-mail: ishonch-doverie@mail.ru; Nashr ko'rsatkichi: 133; 134; Navbatchi muharriri: T.Shermayev, A. Abdullayev, N.Mahamov; Gazeta 'Ishonch'ning kompyuter markazida terildil va sahifalandi; 'Sharq' nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi; O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida; Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosildi; Hajmi 2 bosma taboq; 'Ishonch'dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtal nazardan farglanishi mumkin. Tijorat materiallari; Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 21.20. Buzortma G - 1014. 9946 nuxsada bosildi. 1 2 6